

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Молия институти

Т.Т. Жўраев, Ҳ.А. Ҳакимов, Д.Ш. Бабабекова

**5140900 – Касб таълими (5340900 –
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)
бакалаврият таълим йўналиши бўйича
Битирув-малакавий ишини ёзиш,
расмийлаштириш ва ҳимоя қилишига
тайёрлаш юзасидан услубий кўрсатмалар**

ТОШКЕНТ-2008

Ушбу ўқув услубий қўлланма битирув-малакавий ишларининг тузилиши, мазмуни, уни ёзиш, расмийлаштириш ва ҳимояга тайёрлаш жараёни бўйича асосий талаблар юзасидан тўлиқ тасаввур беради. Мазкур услубий қўлланма биринчи марта айнан 5140900 - Касб таълими (5340900 -Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналишини тамомлаётган бакалавриатура талабаларига мўлжалланган бўлиб, у талабаларга, илмий раҳбарлар, шунингдек, тақризчилар ҳамда битирув-малакавий ишларининг ҳимояси бўйича Давлат аттестация комиссияси (ДАК) аъзоларига услубий ёрдам сифатида тавсия этилади.

Ўқув услубий қўлланма "Ўмумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедрасининг мудир, доц. и.ф.н. Т.Т. Жўраев ва доц. и.ф.н. Ҳ.А. Ҳакимов, и.ф.н. Д.Ш. Бабабековалар томонидан ёзилган.

Тақризчилар: Профессорлар: Ш.Шодмонов, Б.Рустамов

Тошкент Молия институти илмий-услубий Кенгашида 2008 йил 5 феврал 3- сонли Қарори билан тасдиқланган.

© Т.Т. Жўраев, Ҳ.А. Ҳакимов, Д.Ш. Бабабекова

Тошкент – 2008

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Бакалавр» малакаси ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги илмий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ IX сессиясида (1997 йил 29 август) қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ бакалаврият олий таълимнинг аниқ ихтисослик бўйича биринчи босқичидир.

Бакалаврият ихтисосликлари учун йўналиши бўйича назарий ва амалий билим берадиган таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Бакалавр академик даражасига эга бўлган шахс олий таълим тизими йўналишидаги ўзи танлаган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва давлат Классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Бакалаврият ихтисосликлари йўналишида 5140900 – Касб таълими (5340900 — Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши алоҳида ўринга эга бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарори билан тасдиқланган.

5140900 – Касб таълими (5340900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объектлари академик лицей, касб-ҳунар коллежлардаги ўқувчилар, ўқув-тарбиявий жараёнлар, педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари, иқтисод фанларини ўқитиш уни ташкил этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни юритиш ҳисобланади.

5140900 – Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича бакалавр назарий умумкасбий ва махсус тайёргарлигига мувофиқ қуйидаги касбий фаолият турларини:

ўқитувчилик: академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида иқтисод фанларининг ўқитувчиси сифатида ишлаш, иқтисод фанларини тасдиқланган ўқув дастурлар ва режалар бўйича ўқитиш, ўқитишни ташкил этиш, уни ҳозирги замон педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш ва бошқалар;

молиявий-иқтисодий: турли молия муассасалари ва хўжалик субъектларида бизнес-режаларни тузиш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил этиш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бошқалар;

илмий-тадқиқий: иқтисодий педагогика соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш ва унинг натижаларини қайта ишлаш ҳамда таълим муассасаларида жорий этиш каби бошқа ишларни бажариши мумкин.

5140900 – Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш ўқув режасида "Битирув-малакавий иши" бажаришга алоҳида эътибор қаратилган ва Олий ўқув юртларида ихтисослик дастурларини ўзлаштириш мажбурий давлат якуний аттестацияси ҳамда битирув-малакавий ишининг очиқ ҳимояси билан якунланади.

1.2. Битирув - малакавий ишига қўйиладиган асосий талаблар

Мазкур иш "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани"ни, шунингдек, бошқа иқтисод фанларини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишга Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш масалаларини акс эттиришга мувофиқ келиши керак.

Битирув - малакавий ишининг мавзуси долзарб бўлиб, у талабга кўра 5140900 – Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) ихтисослиги бўйича аниқ илмий-педагогик ёки илмий амалий масалаларни ҳал қилишга қаратилиши лозим.

Битирув-малакавий ишиларнинг мавзулари институт Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган фундаментал, илмий ва амалий тадқиқотлар дастурига мувофиқлаштирилгандир.

Битирув-малакавий ишининг тадқиқот хулосалари ва тавсиялари, таъриф ва қоидалари муаллиф томонидан тўлиқ асосланганлиги кўринадиган шаклда тақдим этилади. Бунда эришилган натижалар муаллифда ўзи танлаган касбий фаолият соҳасида илмий иш билан шуғуллана олиш бошланғич кўникмалари мавжудлиги ҳақида гувоҳлик бера олиши керак.

Битирув-малакавий ишининг илмий ва илмий-амалий даражаси таълим дастурига жавоб бериши шарт. Ушбу ишнинг бажарилиши унинг муаллифи мустақил равишда илмий (амалий) изланиш олиб боришга, касбий муаммоларни кўра олишга ўрганганлигини ҳамда уларни ҳал қилишнинг умумий усуллари билиши ҳақида далолат бериши лозим.

Умуман, битирув-малакавий иши бакалаврнинг илмий жиҳатдан етуклиги ва ўз ихтисослик бўйича чуқур касбий тайёргарликка эгаллигини тавсифлаши зарур. Шу боис битирув-малакавий ишининг муаллифи ўз ишида илмий малакавий даражасини аввало, мустақил ҳолда илмий тадқиқот юритиш ҳамда муайян илмий еки амалий вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини намоёиш эта олиши керак.

Битирув-малакавий иши масаланинг назарий жиҳатлари, муаммолари, илмий ва амалий вазифаларни таҳлил қилиш ва ҳал қилишни жамлаган ҳолда мантиқий ўйлаб тузилган режа асосида ёзилади. Бакалавр республикамининг таълим тизими ва унда иқтисод фанларини, хусусан "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" фанини ўқитишнинг педагогик ва янги педагогик технологиялар талаблари асосида ўқитиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб, битирув-малакавий ишида кўзда тутилган масалаларни ҳал қилиш йўл-йўриқларини тавсия этади.

Талаба Давлат аттестация комиссиясига фақатгина ўз битирув-малакавий иши (илмий раҳбарининг хулосаси билан), ташқи тақриз ва бакалавр касбий дастури бўйича ўз шахсий режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумотномани тақдим қилиш билан чекланади.

2. МАВЗУ ТАНЛАШ ВА БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

2.1. Битирув-малакавий ишининг мақсад ва вазифалари

Битирув- малакавий ишлар мавзуси 5140900 – Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедраси томонидан мутахассисларга талабгорларнинг талабларини, шунингдек, замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва ўқув-услубий ёки илмий-педагогик йўналишда бўлади.

Талабаларга битирув-малакавий иш топшириғи Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълими ва давлат стандартлари тизимининг 5140900 – Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий ўзлаштирадиган билимлари мазмунига қўйиладиган Талаб-

ларга мувофиқ 3-курсни тугатганидан сўнг берилади. У умумкасбий, махсус ва психолого-педагогик фанларни ўрганганлик меъёрига кўра 4-курс мобайнида шунингдек, 5140900 - Касб таълими (5340900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши Давлат таълим стандартида бажариш учун ажратилган вақт давомида бажарилади.

Битирув-малакавий иш 5140900 - Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича битирув иши сифатида бакалаврнинг таълим даражасидан ҳамда битирувчида илмий-педагогика ходимига хос бошланғич кўникма ва малакаларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Битирув-малакавий ишининг мақсади мавзу бўйича бакалаврнинг шахсий кузатишлари натижасида тўплаган барча илмий ва амалий далилий маълумотларни мустаҳкамлаш ва тартибга солишдир. Бакалавр битирув-малакавий ишда таълим ва тарбия беришнинг у ёки бу ҳолатларининг илмий ёки амалий аҳамияти ва қимматини асослаб беради. Тадқиқот мақсадига жамият учун умум-аҳамиятли бўлган меъёр ва мезонлар асосида илгари сурилаётган ғоялар, хулоса ва тавсияларнинг ҳақиқатлигига онгли равишда ишонтириш орқали эришилади.

Битирув-малакавий иши мустақил илмий тадқиқот бўлиб, унинг асосида академик лицей ва касб-хунар коллежларида иқтисод фанларини, хусусан "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" фанларини ўқитиш соҳасидаги мавжуд вазиятларни моделлаштиришни кўзда тутадиган аниқ мақсад ва вазифалар ётади. Битирув-малакавий ишининг муаллифи мустақил илмий изланиш олиб боришга ўрганганлиги, касбий муаммоларни тушуниши ва уларни ҳал қилишни энг умумий усуллари ва йўл-йўриқларини билишидан далолат беради.

Мавзудан келиб чиқиб, малакали тарзда аниқланган битирув-малакавий ишининг мақсади тадқиқот режасини тўғри тузиш ишда ҳал қилинадиган вазифаларни тўғри расмийлаштиришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, битирув-малакавий иш олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ва баён этишнинг мантикий, чуқур ўйланган режасини тузишга ёрдам беради. Тадқиқот вазифаларини аниқ ажратиб олиш мақсадида уларнинг ечиш усуллари билиш бакалаврни мавзу бўйича ахборот тўплаш, уни қайта ишлаб чиқиш, сўнгра улар асосида хулоса ва тавсиялар беришга асосланган аналитик жадвалларни тузишга йўналтиради.

Мавзунинг моҳиятини очишга мана шундай ёндаша оладиган изланувчи фақат шу йўл билангина битирув-малакавий ишининг ол-

дига қўйилган мақсадга муваффақият билан етиши мумкин. Шундагина унинг номланиши, мазмуни, боблари, параграфлари ўртасида мувофиқликка эришиш, ортиқча жадваллар, рақамларда халос бўлиш, ишда илгари сурилаётган ғоя ва концепциялар, тавсия ва таклифларни сифатли асослаш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, битирув-малакавий иши илмий раҳбар бошчилигида бажариладиган мустақил таҳлилий тадқиқот ҳисобланади, унинг тайёрланиши, ёзилиши ва очиқ ҳимояга қўйилиши бакалаврда мустақил тадқиқот ўтказиш кўникмалари ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Битирув-малакавий ишининг вазифалари ушбу муаммо юзасидан тадқиқот ўтказиш зарурлигини асослаш, методология ва усуллари-ни танлаш, ахборот йиғиш ва уни қайта ишлаш, тадқиқотнинг мантикий чуқур ўйланган режасини ва ўтказилган таҳлилий тадқиқот натижаларини изчил асослаб баён этиш ва хулоса чиқаришга қаратилган.

2.2. Кафедрада битирув- малакавий - иши мавзуларини ишлаб чиқиш

5140900 – Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича ҳар йили битирув-малакавий иши мавзулари "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедраси томонидан ишлаб чиқилади, институтнинг илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқлаш учун Илмий Кенгашга тақдим қилинади. Институтнинг Илмий Кенгашида тасдиқланган битирув-малакавий ишларининг мавзулари бакалаврларга танлаб олиш ва конкрет бажарувчиларга бириктириш учун тавсия қилинади.

Кафедрадаги илмий-тадқиқот ишларининг мавзулари институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг умумий йўналишларини ифода этади. Шунинг учун институтда ҳар йили ишлаб чиқиладиган ва битирув-малакавий иши ёзиш учун тавсия этиладиган мавзулар кафедрада ва умуман, институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг умумий мавзуларига узвий кириб боради. Демак, бакалаврларга тавсия этилаётган битирув-малакавий ишлари мавзулари кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларнинг айрим йўналишлари ва институт илмий-тадқиқот ишларининг умумий мавзуларини конкретлаштириб боради.

Битирув-малакавий иши мавзуларини ишлаб чиқиш ва тавсия

этишга бундай нуқтаи назардан ёндашиш талабаларга Тошкент Молия институтини жамоаси олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларини маълум мақсадга йўналтирилган ҳолда босқичма-босқич ташкил этишга ёрдам беради.

Битирув-малакавий ишлар мавзуларини кафедра ва институтнинг илмий тадқиқот йўналиши билан мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиши талабаларнинг ўқиш давомида олган назарий билимларидан, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётида тўплаган амалий тажрибаларидан бевосита фойдаланишларига ёрдам беради, шунингдек, кафедрада ишлаб чиқилган битирув-малакавий ишлари мавзуларини Ўзбекистон Республикаси таълим стандартлари даражасида бажарилишини таъминлайди.

2.3. Мавзу ва илмий раҳбар танлаш ҳамда битирув-малакавий иши режасини келишиш ва тасдиқлаш жараёни

Битирув - малакавий иши учун тавсия этилаётган мавзулар замонавий педагогик ва янги педагогик технологияларни жорий этиш талабларидан келиб чиқадиган таълим тизимларини ислоҳ қилиш хусусиятларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида тузилган бўлиб, асосан, тадқиқий характерга эга. Шу билан бирга, мавзуларни ишлаб чиқишда бакалаврларнинг ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётда орттирган амалий иш тажрибалари ва кўникмалари, шунингдек, бакалаврлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнининг умумий стратегияси ва Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида улар давом эттирадиган амалий иш йўналишлари ҳисобга олинади.

Битирув-малакавий ишининг мавзуси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанини ўқитиш бўйича тавсия этилган мавзулар рўйхатидан талабалар томонидан мустақил танлаб олинади. Бунда талабанинг ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт тажрибаси, муаммоларни билиши, таълим-тарбия соҳасидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қила олиш имконияти, чет тилини билиши, хорижий ҳамда республикамиздаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида тажриба орттириши натижаларини назарда тутилиши шарт.

Битирув-малакавий иши мавзуси дастлаб кафедрада муҳокама қилинади. Талабга кўра, мазкур соҳа бўйича тавсия этилган битирув-малакавий ишларига раҳбарлик қилишда катта тажрибага эга бўлган илмий раҳбар билан келишиб олинади.

Битирув-малакавий иши мавзуларини танлашда асосий эътибор замонавий педагогика ва янги педагогик технологиялар асосида таълим ва тарбиянинг у ёки бу масалаларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига, шунингдек, бакалаврнинг институтни тугаллагандан сўнг ишлайдиган таълим муассасаларини хусусиятларига қаратилади. Бунда талабанинг келгусидаги илмий-тадқиқот ва амалиёт базаси ҳамда тадқиқот жараёнида у ёки бу мавзу бўйича ахборот билан таъминланиш даражаси ҳам ҳисобга олинади.

Битирув-малакавий иши мавзусининг тўғри танланиши унинг муваффақиятли якунланишини таъминлайди. Талабалар битирув-малакавий иши учун мавзу танлаганда, битирув-малакавий иши лойиҳаси ўзларининг ихтисослик дастури йўналишига мувофиқ келиши кераклигини эсда тутишлари шарт.

Талаба битирув-малакавий иши мавзуси бўйича қатъий қарорга келгач, ўзи томонидан танлаб олинган мавзуни унга бириктириш ҳақида институти ректори номига ариза ёзади (1-иловага қаранг). Аризада битирув-малакавий иши мавзусининг етакчи кафедра – "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедраси мудирини билан аввалдан келишиб олинган номи тўлиқ ва тўғри шаклда ёзиб кўрсатилади.

Талабага илмий раҳбарни бириктириш масаласи ҳам илмий раҳбарнинг ҳар бири билан олдиндан айрим ҳолда келишиб олиниб, бириктирилган битирув-малакавий иши мавзулари ҳамда илмий раҳбарларни тасдиқлаш бўйича буйруқ лойиҳасини тайёрлаш "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедраси мудирини томонидан ҳал қилинади. Битирув-малакавий иши мавзуларининг талабалар ва илмий раҳбарларга бириктирилганлиги ҳақидаги буйруқ чиқарилгач, мавзулар номи ва расмийлаштирилиши бўйича бирон бир ўзгартириш киритиш ёки бириктирилган илмий раҳбарларни алмаштириш мумкин эмас.

Мавзу танлаб олингач, талаба илмий раҳбарнинг бевосита иштирокида битирув-малакавий иши режасини ишлаб чиқади. Қоидага кўра, илмий раҳбар битирув-малакавий иши режасини ишлаб чиқиш жараёнига талаба тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатини тузгандан кейингина қўшилиши мумкин. Талабанинг битирув-малакавий иши лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўз шахсий иш режасини таклиф этиши меъёрий бир ҳолдир. Илмий раҳбарда муқобил сифатида келгусида қўлланиши мумкин бўлган лойиҳалар ёки тадқиқот элементлари бўлиши мумкин. Иш режаси тадқиқот

предметининг энг асосий жиҳатларинигина тавсиф этади, бундай режа тадқиқот мақсади ва вазифалари ўзгартирилмаган ҳолларда конкретлаштирилиши мумкин ва зарур. Дастлабки муҳокамалар пайтида илмий раҳбар билан талаба нуктаи назарларининг тўғрилиги аниқланади, қўйилган масалаларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари, илмий изланиш стратегияси ишлаб чиқилади.

Талабанинг илмий раҳбар билан маслаҳатлашуви аввалдан белгиланган кунлар ва соатларда мунтазам равишда ўтказиб борилади. Маслаҳатлар вақтида тингловчи томонидан битирув-малакавий иши режасининг бажарилиши кўриб чиқилади ва ишнинг бориши муҳокама қилинади. Мазкур муҳокамаларнинг натижалари талабани тўғри йўлга солиш, вақтни тўғри тақсимлаш ва битирув-малакавий ишини тайёрлаш ҳамда ёзишни тезлаштиришга йўналтирилиши керак.

Илмий раҳбар битирув-малакавий иш режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш билан бир қаторда бошқа масалаларда ҳам ёрдам беради, жумладан:

- мавзу бўйича зарур адабиётлар, маълумотномалар, статистика материаллари ва бошқа манбалардан фойдаланишга доир тавсиялар бериш;
- битирув-малакавий иши мавзуси бўйича мунтазам суҳбатлар ва маслаҳатлар ўтказиб туриш;
- бажарилган иш мазмунини қисмлари бўйича ҳамда яхлитлигича баҳолаш;
- битирув-малакавий ишини ҳимояга тақдим этишга розилик бериш.

Шундай қилиб, илмий раҳбар талабага сезиларли даражада илмий ва услубий ёрдам бериб туради, ишнинг бажарилишини мунтазам назорат қилади, айрим ўзгартиришлар киритади, у ёки бу қарорнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги ҳақида тавсиялар ҳамда ишнинг буткул тайёрлиги ҳақида хулоса беради.

Битирув-малакавий ишининг бажарилиш жараёнини назорат қилиб бориш ва илмий-услубий ёрдам бериб бориш кафедра мудир томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган битирув-малакавий ишларини тайёрлаш бўйича топшириқлар режаси асосида амалга оширилади.

2.4. Битирув-малакавий ишининг композицион тузилиши ва мазмуни

Битирув-малакавий ишининг назарий аҳамияти, мавзусининг долзарблиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамиятигагина эмас, балки умумий услубий тайёргарлик даражаси ва расмийлаштирилишига кўра ҳам баҳоланади.

Битирув-малакавий иш ёзишнинг энг муҳим босқичи илмий тадқиқотнинг ўзаро узвий алоқадаги барча асосий вазифавий элементларини қамраб олган бўлажак илмий тадқиқотнинг композицион тузилишини ишлаб чиқишдир.

Битирув-малакавий иш композициясининг тўғри тузилиши талабага илмий изланишнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, унинг объект ва вазифалари ҳамда олдига қўйилган мақсадларига эришиш йўллари, шунингдек, битирув-малакавий ишни тайёрлаш босқичларини тўғри танлашга имкон беради. (Композицион тузилишнинг асосий элементлари қисқача ёритилган жадвал илова қилинади).

Битирув-малакавий ишининг композицион тузилишини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш муаллифга илмий изланишнинг мақсад ва вазифаларини тўғри ифодалаш, тадқиқот объекти ва предмети ҳамда қўйилган мақсадга етишиш усулларини тўғри танлаш, шунингдек, битирув-малакавий ишни тайёрлаш босқичларини аниқ ажратиш имконини беради, Композицион тузилишни ишлаб чиқишда илмий тадқиқот муаммоси бўйича асл манбалар, даврий нашрлар, хорижий ва маҳаллий статистика материалларини синчиклаб ўрганиш керак бўлади.

Бўлажак битирув-малакавий тадқиқотнинг композицион тузилиши лойиҳаси ихтисослик кафедраси аъзолари томонидан албатта муҳокама қилиниши, унинг мазмуни бўйича айрим тузатишлар киритилиши ва камчиликлари кўрсатилиши шарт. Тадқиқотнинг амалиётдан ўтказилган ва муҳокама қилинган композицион тузилиши тасдиқланган давлат стандартларига мувофиқ битирув-малакавий ишни тайёрлашнинг ишончли воситасидир.

Битирув-малакавий ишининг композицион тузилиши унинг турли бўлимлари, ўрганилаётган материаллар, хулосалар, тавсиялар ва битирув-малакавий ишининг якуний қисми мазмунининг мантикий жихатдан ўзаро боғланишига имкон яратади. Битирув-малакавий ишни композицион тузилишининг энг асосий тамойили мате-

риални аниқ ва изчил баён этишдир. Боблар мазмунан тугалланган ва кўзда тутилган мақсадга эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Битирув малакавий иш таркибий тузилишида қуйидагилар алоҳида берилади:

- битирув-малакавий ишининг титул варағи;
- битирув-малакавий иши мазмунининг мундарижаси;
- кириш;
- битирув-малакавий ишининг асосий қисми (боблар, параграфлар);
- хулоса (резюме, тавсия ва таклифлар);
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати (библиография);
- иловалар.

Умуман, битирув-малакавий иши умумий ички яхлитликка эга бўлган, танланган мавзуни ишлаб чиқиш жараёни ва натижаларини ифода этувчи малакавий битириш иши ҳисобланади. Битирув-малакавий иши илмий даражаси таълим дастурига мос келиши ва талабанинг илмий етуклиги ҳамда институтда таълим жараёнида эгаллаган чуқурлаштирилган касбий тайёргарлигини тавсифлаши керак.

Муаллиф битирув-малакавий ишида олинган ахборотни матн ва кўргазмали материал шаклида бериш орқали у ёки бу ҳолатнинг илмий ва амалий аҳамиятини асослайди. Матн ва кўргазмали материал мазмунининг характери ва ҳажми битирув-малакавий иши мавзусининг йўналишига боғлиқ ҳолда "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедраси томонидан аниқланади.

Битирув-малакавий иши ўз мазмунига кўра илмий асосланган, таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги энг долзарб илмий-амалий масалаларни ҳал қилишни таъминлайдиган мустақил илмий тадқиқот ҳисобланади. Битирув-малакавий иши ҳам илмий иш сифатида илмий журналлардаги мақолаларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштирилади.

Бажарилган битирув-малакавий ишнинг мазмуни бакалаврнинг ўзи танлаган соҳа бўйича ахборотдан хабардорлиги ва илмий адабиётларни билиш даражасига боғлиқ. Фанлар ва мавзуларга доир каталоглардан фойдаланишда талаба бевосита ўз мавзусига алоқадор адабиётларнигина эмас, балки мазкур мавзуга яқин назарий муаммоларни ёритувчи адабиётларни ҳам ўрганади. Каталогларни кўриб чиқиш ва ўрганиш билан бир қаторда тала-

ба илмий тадқиқот мавзусига доир ўз картотекасини ҳам тузади. Мазкур картотекада муаллиф ва китобнинг номи, нашр қилинган йили, нашриёти, ҳажми, манбанинг қисқа мазмуни ифодаланади. Ишни бу тарзда ташкил қилиш талабага ўз билимини чуқурлаштириш ва мазкур мавзуга доир адабиётлар бўйича тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Библиографик материаллар таҳлил қилиниб, битирув-малакавий ишининг биринчи бобига асос сифатида киритилади.

Титул варағи битирув-малакавий ишининг биринчи бети ҳисобланади ва қатъий қоидалар асосида тўлдирилади. Титул варағидан кейин битирув-малакавий ишининг мундарижаси жойлаштирилади. Мундарижада боблар, параграфлар ва битирув-малакавий ишининг барча бошқа қисмлари, асосий матндаги сарлавҳалар ва бет рақамлари шаклда ёки изчилликда берилади ёхуд қисқартириб берилиши мумкин эмас. Мундарижадаги сарлавҳалар асосий матндаги сарлавҳалар билан бир хилда бўлиши шарт. Демак, боблар ва параграфлар номи, шунингдек, уларнинг изчиллиги битирув-малакавий иши матни билан тўлиқ мос келиши шарт.

Киришда мавзунинг долзарблигини асослаш, битирув-малакавий ишида кўриб чиқиладиган муаммолар, мақсад ва вазифалар акс эттирилиши керак. Ушбу маълумотлар битирув-малакавий ишиларнинг барча қисмларида бир хилдаги изчилликда берилиши шарт. Битирув-малакавий ишининг кириш қисмида қуйидагилар берилади:

- тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- битирув-малакавий ишининг мақсад ва вазифалари;
- муаммонинг ишлаб чиқиши даражаси;
- тадқиқотда эришилган илмий ва амалий натижалари;
- тадқиқот предмети;
- тадқиқот объекти;
- амалий аҳамияти.

Биринчи бобда мавзунинг умумий назарий масалалари, тадқиқот предмети ва объектининг қисқа тавсифномаси берилиши керак. Мазкур бобда қуйидаги параграфлар ўзаро мантикий изчилликда берилади:

- тадқиқот объектининг функциялари, вазифалари ва соҳаси;
- ташкилий тузилма, бошқарув тизими, унинг ташқи ва ички алоқаларининг ўзига хослиги;
- тадқиқот объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари;
- тадқиқот объектида мавжуд камчилик ва муаммолар;

— муқобил вазифаларни назарий ва амалий ҳал этишнинг умумий қоидалари.

Иккинчи бобда кўрилаётган масаланинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади, талабанинг амалиёт даврида тўплаган материаллари асосида тадқиқот объектида мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратилган таклифлари ва тавсиялари асосланиши керак. Тажриба орттириш вақтида йиғилган ҳамда тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган материаллар талабага ҳал қилинмаган масалаларни, муаммоларни аниқлаш ва шунга мувофиқ хулоса чиқариш имконини беради. Шундай қилиб, иккинчи боб битирув-малакавий иши мазмунининг асосий ғоясини ифодалайди.

Учинчи бобда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган материал асосида тадқиқот объекти ташкилий тузилмасининг энг мақсадга мувофиқ қурилиши далиллар ёрдамида асослаб берилади, шунга мос жадваллар тавсия этилади, такомиллаштириш йўллари, тавсия этилаётган қарорларнинг самарадорлиги аниқланади.

Хулоса қисми битирув-малакавий иш умумий ҳажмининг 10-15%ини ташкил қилади. Ишнинг айрим боблари ҳам хулосалар ва таклифлар билан тугалланиши мумкин, аммо улардан энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хулоса бўлимида акс эттирилиши керак.

Битирув-малакавий иши мазмунига кўра қуйидаги масалаларни камраб олиши керак:

— танланган мавзунинг назарий аҳамияти, долзарблиги ва уни таълим муассасаси ва ташкилотларида амалий қўллаш;

— муаммо, унинг махсус адабиётларда ишлаб чиқилиш даражаси ва амалий ҳал қилиш усуллариининг берилиши;

— тадқиқот объектларидаги мавжуд ҳолатни баҳолаш ва муаммони ҳал қилишнинг асосий йўналишлари бўйича хулосалар чиқариш;

— қабул қилинган қарорни илмий педагогик жаҳатидан асослаш;

— тадқиқот натижаларини татбиқ этиш бўйича таклифлар бериш.

3. БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

3.1. Битирув-малакавий ишининг ҳажми, баён этиш услуби ва расмийлаштириш қоидалари

Битирув-малакавий ишини расмийлаштириш унинг мазмунини ёритиш билан бир қаторда турадиган энг муҳим жараёндир. Битирув-малакавий иши Тошкент Молия институти битирувчисининг малакасини аниқлаб берадиган илмий иш ҳисобланади. Битирув-малакавий ишининг номи ва мазмунидан, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, у магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талабларга яқин бўлиши керак.

Битирув-малакавий ишларига қўйиладиган асосий талаб баён этишнинг изчиллиги ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро узвий боғлиқ бўлишидир. Ишнинг тузилмаси, мазмуни илмий тадқиқотининг асосий мақсадини ёритишга қаратилган бўлиши керак. Изчилликни бузадиган, кейинги натижаларга алоқаси бўлмаган материаллар битирув-малакавий иши матнига киритилмаслиги лозим. Баъзи материаллар битирув-малакавий ишининг охирида илова сифатида берилиши мумкин. Битирув-малакавий иши типография талабларига мос равишда муқоваланган бўлиши лозим, унинг умумий ҳажми қўлёзма шаклида 80-100 бетдан иборат бўлиши керак. Битирув-малакавий иши тадқиқот қўлёзмасининг ҳошияси ўлчамлари 2-иловада кўрсатилган.

Талаба битирув-малакавий ишининг дастлабки нусхасини тугатгач, илмий раҳбар рухсати билан охирги вариантини тайёрлаш жараёнида кетма-кетлик бузилмаслигига жиддий эътибор бериш керак. Матннинг тугалланмаган қисмларини бошқа бетларга ўтказиш ман этилади. Янги фикрни ифодаладиган жумлалар хат бошидан ёзилади. Агар матнда чет тилида келтирилган сўзлар, қўшимчалар ёки гаплар бўлса, улар аслига тўғри ҳолда тўлалигича ёзилиши керак.

Битирув-малакавий ишида рақамли материаллар жадвал шаклида берилади. Мазмун жиҳатидан улар аналитик ва иш жадвалларига бўлинади. Аналитик жадваллар ўрганилаётган муаммони ёритиб берувчи умумий хулосалар ёки шарҳларни талаб этади. Битирув-малакавий ишида аналитик материалнинг кўп бўлиши маълум даражада талабанинг ўзи тадқиқ қилаётган муаммони тушуниш даражасини кўрсатади. Статистик материалдан эса матнда бор материални шарҳлаб бериш учунгина фойдаланилади.

Қайси манбадан олинганлигини кўрсатмасдан туриб матбуотда чоп этилган жадваллардан фойдаланиш мумкин эмас. Жадвал бошқа бетга кўчириб ўтказилган ҳолларда жадвалнинг номи албатта қайтарилиши ва юқори ўнг томонига "жадвалнинг давоми" деб ёзиб қўйилиши керак.

Касб таълими йўналишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талабалар кўплаб кўргазмали материаллардан, яъни жадваллар, чизмалар, диаграммалар, расмлар ва бошқалардан фойдаланадилар. Барча жадваллар каби чизмалар ва кўргазмали материаллар ҳам ёзувлар билан тўлдирилиши ва асосий матн мазмунини ёритишга қаратилган бўлиши керак.

Ишнинг ҳар бир боби янги бетдан ёзилади. Бобнинг номи ёки сарлавҳалар асосий матндан кўшимча интервал билан ажралиб туриши керак. Бобнинг номидан кейин параграф номи ёзилади.

Битирув-малакавий иши ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларида ёзилиши мумкин.

Бетларнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўрта қисмига қўйилади.

Битирув-малакавий ишининг титул варағи кафедрада қабул қилинган намунага мос бўлиши керак (3-иловага қаранг):

- Битирув- малакавий ишининг мавзуси 16-шрифтда;
- муаллифнинг исми-фамилияси 12-шрифтда;
- малакаси 12-шрифтда;
- кафедра номи 12-шрифтда;
- даражаси 12-шрифтда ёзилади.

Изоҳ: Тадқиқот мавзусининг номи, талабанинг исми-шарифи, "Битирув-малакавий иши" ҳамда йил сўзи бош ҳарфларда терилади. Шрифт танлашда сарлавҳалар Times New Roman ёки Arial дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тугалланган битирув-малакавий ишини илмий раҳбар кўриб бўлгандан сўнг, уни, аввало, кафедрадаги дастлабки ҳимояга, сўнгра очиқ ҳимояга тавсия этадиган тақриз беради.

Битирув-малакавий ишларига бериладиган тақризларга қўйиладиган талаблар

Битирув-малакавий ишига илмий раҳбар хулосаси ҳамда ташқи тақриз берилади. Илмий раҳбар хулосаси ва ташқи тақризда қуйидаги масалаларнинг ёритилиши шарт:

Илмий раҳбар хулосасида:

1. Битирув-малакавий иши мавзусининг долзарблиги.
2. Битирув-малакавий иши мавзусининг педагогик амалиёт билан боғланганлик даражаси.
3. Битирув-малакавий ишининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даражада ёритилганлиги.
4. Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги.
5. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги.
6. Тадқиқотчининг илмий таҳлил қила олиш қобилиятини қисқача таърифлаш.
7. Талаба хулосалари ва таклифларининг сифати.
8. Бажарилган ишнинг битирув-малакавий ишига қўйиладиган талабларга мослиги акс этиши керак.

Ташқи тақризда:

1. Битирув-малакавий иши мавзусининг долзарблиги.
2. Тадқиқотнинг янгилиги ва унинг илмий-амалий натижаларини асослаб берилиши.
3. Битирув-малакавий ишининг амалиёт учун аҳамияти.
4. Битирув-малакавий иши мазмуни ва унинг тугалланганлиги даражаси.
5. Материални баён этиш тили ва услуби.
6. Олиб борилган тадқиқотнинг илмий ва амалий қиймати.
7. Бажарилган ишнинг битирув-малакавий ишлари талабларига мослиги баён этилиши керак.

Юқорида қайд қилинган тақризлар билан расмийлаштирилган иш кафедрага 2 нусхада топширилади. Кафедра ишни кўриб чиқиб, дастлабки ҳимоя куни ва вақтини белгилайди. Дастлабки ҳимоядан муваффақиятли ўтган битирув-малакавий иши кафедра қайдномаси билан расмийлаштирилиб, очик ҳимояга тавсия этилади.

3.2. Матндаги ҳаволалар, изохлар ва ўзлаштирмаларнинг расмийлаштирилиши

Битирув-малакавий ишида кўпинча мазмунига кўра матндан ташқарида жойлашган жадваллар, кўргазмали материаллар, чизмалар, формулалар ва бошқаларга ҳавола (ссылка) беришга тўғри келади. Матндаги ҳаволалар расмлар, жадваллар, бетлар, бобларда тартиб рақами – «т/р» белгисисиз, яъни 3-расм, 4-жадвал, 34-б., 2-боб ёки

II боб шаклида ёзилади. Агар кўрсатилган сўзларга қисқартмалар ҳавола қилинмаган бўлса, «расмдан кўринадик...», «жадвалда ифодаланганидек...» каби жумлалардан фойдаланилади.

Ишнинг ушбу жумлалар таркибига кирмаган айрим қисмига бериладиган ҳаволалар қуйидагича берилади: (Қаранг:).

Изоҳлар (сноски) саҳифанинг энг пастки қисмига чизик тортиб, сатр бошидан ёзилади. Изоҳлар ҳар бир саҳифада алоҳида тартиб рақами билан кўрсатиб борилади. Кейинги бетда изоҳлар янгидан тартиб рақами билан белгиланади. Изоҳнинг матндаги рақам белгиси агар изоҳ айрим сўзгагина тааллуқли бўлса, бевосита шу сўздан кейин, агар бутун гапга тегишли бўлса, гап охирига қўйилади. Изоҳ белгиси ҳамиша тиниш белгиларидан олдин ёзилади (сўроқ, ундов белгиси ва кўп нуқта бундан мустасно).

Битирув- малакавий иши матнида кўпинча бошқа тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган далилларга ҳавола беришга ёки улардан баъзи маълумотларни ўзлаштиришга тўғри келади. Бундай ҳолларда илмий кўчирмакашликда айбланмаслик учун ўзлаштирилган материаллар қайси манбадан олинганлигига, албатта, ҳавола берилиши шарт. Ўзлаштирмаларнинг берилиш шакллари ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ академик нутқ услубида ўзлаштирмалар манбаларини аниқроқ ва қисқароқ кўрсатишга ёрдам берадиган бир қатор нутқ қолиплари ишлаб чиқилган. Масалан:

1) Ғарбда менежмент назарияси ва амалиёти масаласи бўйича умумий моҳияти қуйидагиларни ифодаладиган қўлланмалар кўп...¹

2) Қуйида келтириладиган материал Америка психологи Дейл Карнеги томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида берилади².

3.3. Фойдаланилган манбаларни библиографик баён этиш қоидалари

Фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати битирув-малакавий ишининг асосий элементи бўлиб, унда фойдаланилган манбалар рўйхати берилади ва у хулоса қисмидан кейин жойлаштирилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ишнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, талабанинг мустақил ижодий ишлаш қобилиятини ҳамда шу орқали ўтказилган тадқиқотнинг даражасини кўрсатади.

¹ Фишер Р., Юри У. Путь к соглашению, или переговоры без поражения: Пер. с англ. - М.: Наука, 1992.

² Карнеги Д. Как вырабатывать уверенность в себе и влиять на людей, выступая публично. — М.: Прогресс. 1991.

Библиографик рўйхат талаба томонидан бевосита нашр қилинган манбалардан ёки каталоглар ва библиографик кўрсаткичлардан адабиётлар рўйхатини тўлалигича, сарлавҳаларини қисқартирмаган ҳолда олиб тузилади. Бу қайта текшириш ва тушириб қолдирилган маълумотларни киритишдан сақлайди.

Битирув-малакавий ишида фойдаланилмаган ҳамда асосий матнда ҳавола қилинмаган манбалар адабиётлар рўйхатига киритилмайди. Шунингдек, энциклопедиялар, маълумотномалар ва илмий-оммабоп нашрлар ҳам библиографик рўйхатга киритилмайди. Ҳар бир манба бўйича:

- фойдаланилган адабиётнинг рўйхат бўйича тартиб рақами;
- муаллифнинг фамилияси, исми ва насаби;
- монографиянинг номи, меъёрий маълумотномалар, таълим муассаларига тааллуқли адабиётлар, ўқув юртлари фаолиятига доир материаллари ва ҳ.к.;
- нашр қилинган жойнинг номи;
- нашриёт номи;
- чоп этилган йили;
- қанча бетдан иборатлиги кўрсатилиши шарт.

Монографиялардан ташқари муаллиф давлат идораларининг Қонунлар мажмуасини, фармонлари ва қарорлари тўпламларини, шунингдек, газета ва журналларнинг рақами, нашр қилинган йили, оyi, ундаги мақола номи ва муаллифини кўрсатган ҳолда келтириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар библиографик рўйхати қуйидаги тартибда тузилиши лозим:

- I. Ўзбекистон Республикасининг қонун ва ҳужжатлари.
- II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва илмий ишлари.
- III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.
- IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
- V. Ҳарфлар кетма-кетлигида жойлашган махсус адабиёт.
- VI. Меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар.
- VII. Статистик материаллар ва статистик тўпламларнинг материаллари;
- VIII. Асл манбалар, тегишли вазирлик, идоралар, ташкилотлар ва ҳоказоларнинг йиллик ҳисоботлари.

Библиографик рўйхатда фойдаланилган адабиётнинг ҳавола қилинган манбаси тўғрисидаги тўлиқ маълумот — мақола, китоб ва

унинг муаллифи номи, муҳаррир, нашриёт номи, нашр қилинган йили, қанча бетдан иборатлиги кўрсатилган бўлиши керак. Бундан ташқари, зарур ўринларда материаллари фойдаланилган таълим муассасалари ва ташкилотлар рўйхати келтирилиши ҳам мумкин. Қўйилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган битирув-малакавий иши муқоваланади ва муқоваланган асл нусхаси ҳимояга тақдим этилади.

4. БИТИРУВ- МАЛАКАВИЙ ИШИ ҲИМОЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Битирув-малакавий ишининг техник жиҳатидан расмийлаштириш ишларини тугаллагач, бутун эътиборини бакалаврият таълимининг сўнгги ва ҳал қилувчи босқичи — Битирув-малакавий иши ҳимоясига тайёргарликка қаратмоғи лозим. Бундай тайёргарлик битирув-малакавий ишининг ҳимояси билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва материалларни расмийлаштириш, Давлат аттестацияси комиссияси йиғилишида сўзланадиган нутқ матнини тайёрлаш ҳамда би-тирув ишини ҳимоя қилиш жараёнини ўз ичига олади.

4.1. Асосий ҳужжатлар ва битирув- малакавий ишини давлат аттестация комиссияси (дак)га тавсия этиш тартиби

Ҳимоя қилишга тўлиқ тайёр бўлган битирув малакавий иши илмий раҳбарга яна бир бор қайта кўриб чиқиш учун берилади. Илмий раҳбар ёзма хулосасида битирув-малакавий иши тўғрисидаги фикрларини баён этади. Мазкур хулоса эркин шаклда ёзилади, бироқ юқорида қайд этилганидек, айрим умумий қоидаларга ҳам риоя қилиниши керак.

Илмий раҳбар хулосасида, энг аввало, бажарилган битирув-малакавий ишининг Давлат аттестация комиссияси томонидан Олий таълим мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича умум-давлат классификатори (ОКСО) билан мувофиқлашган ҳолда битирув-малакавий ишилари ҳимояси ҳуқуқи берилган мутахассисликларга мувофиқ келиш-келмаслиги кўрсатилади. Сўнгга бажарилган иш қисқача тавсифланади, унинг долзарблиги, илмий савияси ва амалий аҳамияти, қўйилган масалаларнинг қанчалик чуқур, тўла ва ўзига хос ҳал қилинганлиги ҳамда ишнинг ҳимояга тайёр эканлигига баҳо берилади. Илмий раҳбар, шунингдек, ўз хулосасида ишнинг янгилиги, амалий аҳамияти, татбиқи ҳамда тадқиқот натижаларининг таълим соҳасидаги самарадорлигига ҳам баҳо беради. Илмий раҳбарнинг ёзма хулосаси мазкур бакалавриатурани битириш ишига қўйилган талаблар даражасига мувофиқ келишини кўрсатиш билан якунланади.

Ташқи тақриз, қоидага кўра, юқори малакали педагог-мутахассислар, битирув-малакавий ишини ёзишда материалларидан фойдаланилган таълим муассасалари раҳбарлари томонидан берилади.

Таълим муассасалари идоралари раҳбарлари каби педагоглар ёки шу соҳа бўйича илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган илмий ходим тақризчи бўла оладилар. Тақризчи ишнинг асосий жиҳатларини таҳлил қилиб бериши, мавзунинг долзарблиги, унинг мазмунини ёритиб беришда талабанинг мустақил ёндашганлиги, шахсий нуқтаи назарининг мавжудлиги, илмий тадқиқот усулларида фойдаланишга қодирлигини, берилган илмий хулоса ва тавсияларнинг назарий асосланганлик даражасини кўрсатиши, эришилган натижаларнинг ҳаққонийлиги, унинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятига баҳо бериши шарт. Шунингдек, бажарилган ишнинг ижобий томонларини баҳолаш билан бирга, унинг камчиликлари, мантиқий чекинишлари ва баён қилишда йўл қўйилган хатолар ва ҳоказоларни ҳам кўрсатилади. Тақриз ҳажми, одатда, компьютерда ёзилган 2-3 бетдан иборат бўлади.

Ташқи тақризга тақризчининг шахсий имзоси қўйилади, берилган сана ва рўйхатга олинганлик рақами кўрсатилади. Тақризчи имзоси у ишлайдиган ташкилот томонидан муҳр билан тасдиқланиши шарт.

Битирув- малакавий ишининг ютуқлари ва камчиликларини далилий тарзда ёритувчи ушбу ҳужжат ҳимоя пайтида ишнинг илмий натижалари муҳокама қилинаётганда Давлат аттестацияси комиссияси йиғилишида ўқиб эшиттирилади.

Битирув- малакавий ишига берилган тақриз мазмуни муаллифга тақризчи томонидан кўрсатилган камчиликларга ўз муносабати, таклиф-мулоҳазалари ва эътирозларини билдиришга тайёргарлик кўриши учун ҳимоя кунидан камида бир ҳафта олдин етказилади. Битирув-малакавий ишини баҳолашда илмий раҳбар ҳам, тақризчилар ва муаллифнинг ўзи ҳам битирув-малакавий иши мавзусининг «долзарблиги», илмий-тадқиқот ишининг «янгилиги» ва уларнинг «амалий аҳамияти» каби тушунчаларнинг моҳиятига алоҳида диққат-эътибор қаратишлари зарур, чунки ушбу тушунчалар мазмунан турлича тушунилади ва бажарилган тадқиқотни холис баҳолашда анча қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг долзарблиги деганда, унинг ўз вақтида ёзилаётганлиги, республикада таълимни янги педагогик технологиялар асосида янада такомиллаштириш учун қанчалик зарурлиги тушунилади. Бу битирув-малакавий ишида ҳозирги вақтда тезда ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб мавзу кўтарилган демакдир.

Илмий янгилик битирув- малакавий ишига татбиқан муаллифнинг ўзи эришгаи натижаларига, умуман, ўтказган тадқиқотига нисбатан «биринчи бўлиб» деган тушунчани татбиқ этиш мумкинлигидан келиб чиқади. «Биринчи бўлиб» тушунчаси бу сингари ўхшаш натижаларнинг фанда мавжуд эмаслигини билдиради. Фаннинг у ёки бу тармоғида ўтказилмаган илмий тадқиқотлар айрим мавзуларда биринчи бўлиб ўтказилиши мумкин.

Аксарият, фанда илмий янгилик биринчи бўлиб таърифланган ва мазмунан асосланган назарий ҳолатларнинг амалиётга жорий этилган ҳамда янги ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришиш учун жиддий таъсир этадиган услубий тавсияларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Битирув-малакавий ишининг айрим ҳолатларигина фан ёки унинг айрим йўналишини янада ривожлантиришга кўмаклашадиган янгилик бўлиши мумкин. Илмий тадқиқотнинг амалий қийматини баҳолаш унинг қандай характерга эга эканлигига ҳам боғлиқлигини унутмаслик керак.

Агар битирув-малакавий иши услубий характерга эга бўлса, унинг амалий аҳамияти ва тадқиқот натижаларини матбуотда чоп этилган мақолаларда, олинган муаллифлик гувоҳномасида, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги тўғрисидаги акт, илмий-амалий анжуманлар ва симпозиумларда апробациядан ўтказилганлиги, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқув жараёнида фойдаланганлигида кўриш мумкин. Шунингдек, битирув-малакавий ишининг амалий аҳамияти илмий асосланган ва амалиётга татбиқ қилинган, синовдан ўтган ишлар натижасида, таълимнинг янги технологиялари усулларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Булар жумласига, амалдаги педагогик технологияларнинг у ёки бу турини такомиллаштириш усуллари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда илмий асослаш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар киради.

Тугалланган битирув- малакавий ишини талаба касбий таълим дастури бўйича шахсий иш режасини бажарганлиги тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек, илмий раҳбар хулосаси ва ташки такриз билан бирга дастлабки ҳимоядан ўтиш учун "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедрасига тақдим этади. Кафедра мудири иш билан танишиб, ҳимояга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади ва кафедра бўйича барча битирувчилар иштирокида дастлабки ҳимояни ташкил этади. Дастлабки ҳимоя ўтгандан сўнг кафедра мудири барча материалларни Давлат аттестация комиссиясига топширади.

Тадқиқотчи томонидан тайёрланадиган ва Давлат аттестация комиссияси йиғилишида сўзланадиган нутқ матни ҳимоя учун энг зарур ҳужжатдир. Шунинг назарда тутиш керакки, нутқ матни нафақат битирув-малакавий ишининг сифатини, шунингдек, талабанинг битирув-малакавий иши устида олиб борган барча ишлари даражасини ҳам баҳолайди.

4.2. Талабанинг дақ йиғилишида сўзлайдиган нутқини тайёрлаш

Битирувчи бакалаврнинг ўз битирув-малакавий ишини ҳимояга тайёрлашида биринчи навбатдаги энг асосий иши тадқиқотда эришилган натижалар асосида ишнинг моҳияти, назарий ва амалий аҳамиятини очиқ беришга қаратилган нутқи устида ишлашдан бошланади.

Талаба нутқини тузилишига кўра ҳар бири мазмунан алоҳида қисмни ташкил этадиган ва айна пайтда ўзаро мантиқий боғланган бир бутунликни ифода этадиган уч қисмга бўлиш мумкин.

Нутқнинг биринчи қисмида асосан битирув-малакавий ишининг кириш қисмидаги фикрлар қайтарилади, мавзунинг долзарблиги, илмий муаммолар, шунингдек, тадқиқотнинг мақсади ҳақида сўзланади. Бу ўринда тадқиқот натижаларига эришишда фойдаланилган усуллар ҳам кўрсатиб ўтилиши зарур.

Нутқнинг иккинчи қисми ҳажм жиҳатидан энг катта бўлиб, унда битирув-малакавий ишининг ҳар бир боби тавсифланади. Бунда, айниса, якуний натижаларга алоҳида эътибор қаратилиши, шунингдек, масалалар ўзаро қиёсланиши, уларга танқидий кўз билан баҳо берилиши зарур.

Талаба нутқи битирув-малакавий ишининг хулоса қисмида баён қилинган хулоса ва тавсияларни қисқача шарҳлаш билан якунланади. Бунда умумий хулосалар (асосий қисмдаги ҳар бир боб охирида бериладиган хусусий умумлашмаларни қайтармаган ҳолда) ва таклиф этилаётган асосий тавсияларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Нутқ матнига илгари сурилаётган қонун-қоидаларни исботлаш ва чиқарилган хулосалар ҳамда таклиф ва тавсияларни асослаш учун зарур бўлган слайдлар, кино ва видеоролик ва схемалар, жадваллар, графиклар, диаграммалар каби қўшимча материаллар илова қилинади.

Сўзга чиқиш учун нутк матнини тайёрлаш билан бир қаторда расмий тақризчининг барча саволларига, тақризда кўрсатилган таклиф ва мулоҳазаларига ёзма равишда жавоб тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳимоя пайтида ортиқча ҳаяжонланишдан сақлайди ҳамда савол-жавоблар учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

Жавоблар қисқа, аниқ ва тўлиқ исботланган бўлиши лозим. Жавобларда битирув-малакавий иши матнига ҳавола бериш ҳам мумкин. Бундай ҳаволалар жавобларнинг, айтилиш вақтида ўтказилган тадқиқотнинг ишончлилигини таъкидлайди.

Ҳимояга тайёрланиш жараёнида яна бир бор битирув-малакавий иши матнига кўз югуртириб чиқиш, умумлашган ва яққол кўзга ташланадиган амалий натижаларни ифодаловчи жадваллар ва чизмаларга алоҳида диққат-эътибор қаратмоқ лозим. Бундай материалларнинг бир қисмини техник воситалар ёрдамида намоиш қилишга тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бу шундай тайёрланиши керакки, талаба уларни залдаги барча иштирокчиларга ҳеч қандай қийинчиликсиз намоиш эта оладиган бўлсин.

4.3. Битирув-малакавий ишининг очиқ ҳимоясини ўтказиш тартиби

Битирув-малакавий иши ҳимояси илмий мунозара характерига эга бўлиб, очиқ тарзда, ўта талабчанлик ва қатъият билан илмий мулоқот одобига риоя қилган ҳолда ўтказилади. Бунда битирув-малакавий ишидаги барча илмий, амалий хулосалар ҳамда тавсиялар ҳар томонлама асосланиши, ишончлилиги ҳар томонлама таҳлил қилиниши шарт.

Давлат аттестацияси комиссиясининг йиғилишига раислик қилувчи битирув-малакавий ишининг ҳимояси ҳақида эълон қилгач', мавзунинг номи, муаллифнинг исм-фамилияси, шунингдек, бошқа зарурий ҳужжатларнинг мавжуддиги ҳақида ахборот ҳамда талабанинг «ўқув ва илмий таржимаи ҳоли», яъни унинг ўзлаштириши, агар бор бўлса, чоп этилган мақолалари ва бошқалар тўғрисида қисқача тавсиф беради.

Сўнгра талабанинг илмий раҳбарига сўз берилади. Илмий раҳбар ўз нутқида талабанинг тадқиқот ишига, шунингдек, бошқа шахсий жиҳатларига муносабатини билдиради. Талабанинг илмий раҳбари давлат аттестацияси комиссияси йиғилишида иштирок эта олмаган ҳолларда раислик қилувчи унинг битирув-малакавий иши бўйича ёзма хулосасини ўқиб эшиттиради.

Сўнг илмий тадқиқотнинг асосий натижаларини баён қилиш учун сўз талабанинг ўзига берилади. У аввалдан тайёрлаб қўйилган ўзининг юқори даражадаги назарий тайёргарликка эга эканлигини, ўтказилган тадқиқотнинг асосий илмий натижаларини тушунтириб бера олиш қобилияти ва маҳоратини намойиш этишга қаратилган нутқи матнини ўқиб эшиттиради (яхшиси гапириб бергани маъқул).

Битирув-малакавий иши ҳимояси тақдимот йўли билан амалга оширилади. Маърузачига ўз тадқиқот натижаларини маълум қилиш учун 15 дақиқа вақт берилади. Тақдимот битирув- малакавий иши мавзуси бўйича кириш, методология, натижалар ва тавсияларни ўз ичига олади.

Талаба Давлат аттестация комиссияси аъзолари ва йиғилишда иштирок этаётганларнинг диққат-эътиборини асосан ўтказилган тадқиқотнинг якуний натижаси, шахсан ўзи томонидан ишлаб чиқилган янги назарий ва амалий йўл-йўриқларга қаратмоғи зарур. Зарур ҳолларда қўшимча тайёрланган ва компьютер орқали намойиш этиладиган слайд, кино ва тасвири тасмалар, чизмалар, жадвал ва графикларга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқ. Схемалар ва чизмаларда кўрсатилган барча материалларни талаба ҳеч қандай қийинчиликсиз барчага бирдек кўринадиган тарзда намойиш эта олиши керак.

Нафақат нутқ матнининг мазмуни, балки уни ўқиб (ёки гапириб) бериш ва берилган саволларга ишончли, дадил жавоб бериш, эркин нутқ сўзлаш қоидаларига риоя қилиш ҳам маълум даражада ҳимоянинг даражасини аниқлайди.

Талабанинг нутқи нафақат тушунарли бўлиши, шунингдек, ифодали бўлиши ҳам зарур. Агар у шошилиб, сўзларнинг қўшимчаларини ютиб юбориб ёки паст товушда ва ноаниқ сўзласа, унинг нутқи сифати пасаяди. Босиқлик билан, шошилмай гапириш оҳанги тингловчида хайрихоҳлик ҳисси ҳосил қилади.

Адабий тилнинг талаффуз меъёрларини бузиш, хусусан, сўз урғуларининг нотўғри қўйилиши асло мумкин эмас. Сўзловчига ўз нутқи матнини ўқишга ёрдам берадиган қуйидаги маслаҳатларни бериш мумкин:

- аввало ўзингизни таништиринг ва тадқиқот мавзусини эълон қилинг;
- нигоҳингизни фақат нутқ матнигагина қаратманг;
- муҳокама қилиниши зарур бўлган бандларни алоҳида варақ-

чаларга ёзиб олинг;

— вақти-вақти билан паузалар қилиб тулинг, улар хайъат аъзоларига эшитганларини англаб олишлари учун фурсат, сизга эса ёзганларингизни кўриб олишга имкон беради;

— бир маромдаги нутқдан сақланинг;

— проектордан фойдаланганингизда ҳар бир тасвирга ҳаддан ташқари кўп ахборот тикиштирманг;

— проектордан фойдаланганингизда рангли принтердан фойдаланинг, чунки ранг ахборот етказишнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Бундан ташқари, катта шрифтдан фойдаланиш керак: матн залнинг охиридан ҳам ўқий оладиган даражада бўлиши керак. Буларнинг барчаси аввалдан сўзга чиқишга тайёрланаётган вақтда тайёрлаб қўйилади;

— қўлёзма шаклидаги тасвирлар сиз тўғрингизда нотўғри тасаввур ҳосил қилади: тақдиротга жиддий эътибор бермагандек бўлиб қоласиз;

— проектордаги материалларни муҳофафа қилинаётганда бевосита экрандаги кўрсаткичдан фойдаланинг;

— ҳар бир тасвир проекторда камида 20 секунд турсин, тасвирнинг алмашинуви асабни бузади;

— матндан ҳаддан ташқари катта парчаларни ўқиманг;

— секинроқ гапиринг, акс ҳолда, сизни кўпчилик тушуна олмай қолиши мумкин;

— матндаги барча рақамларни ҳарфлар билан ёзиб кўрсатинг;

— ажратиб кўрсатиладиган сўзларнинг тагига чизинг;

— жумлаларда олмошлар ўрнига кўпроқ отлардан фойдаланинг;

— оддий сўзлар ва дарак гаплардан фойдаланинг;

— матнни қўшма гаплар билан мураккаблаштириб юборманг.

Талаба маърузасидан сўнг раислик қилувчи расмий тақризчининг бажарилган битирув-малакавий ишига берган тақризини ўқиб эшитиради ҳамда тақризда кўрсатилган таклиф ва мулоҳазаларга ўз муносабатини билдириш, саволларга жавоб бериш учун талабага сўз беради.

Шундан сўнг фақат ДАК аъзолари ва иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган муҳофафа ва илмий мунозара бошлайди. Давлат аттестация комиссияси аъзолари битирув-малакавий ишига дахлдор бўлганлар, муаммолар, тадқиқот усуллари бўйича исталган саволларни оғзаки тарзда бериб, тадқиқот жараёни ва бажарилган амалий ишлар натижаларини аниқлашлари мумкин.

Бериладиган жавоблар масаланинг моҳиятига тааллуқли бўлиши керак. Талаба ўзининг илмий натижаларини камтарлик билан баҳолаши, берилган саволларга камтарлик ва хушмуомалалик билан жавоб бериши лозим.

Саволга жавоб беришдан олдин, уни диққат билан эшитиш ва ёзиб олиш зарур. Барча саволларни эшитиб, сўнг жавоб бергандан кўра, мумкин қадар ҳар бир берилган саволга ўша заҳоти жавоб берилгани маъқулроқ. Бунда шуни эсдан чиқармаслик керакки, мантиқан лўнда ва далил, исботи билан берилган жавоб, навбатдаги бериладиган саволларни ҳам бартараф этиши мумкин.

Мунозара тугагандан сўнг, талаба хоҳишига кўра, унга якунловчи сўз берилади.

Давлат аттестация комиссияси аъзоларининг ёпиқ йиғилишида ҳимоя якуни кўриб чиқилади ва уни баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарор ҳайъат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Сўнг Давлат аттестацияси комиссияси раиси барча иштирок этувчиларга баҳони маълум қилиб, ҳимоя қилувчига бакалавр академик даражаси берилганлигини билдиради ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

Ариза намунаси

Тошкент Молия институти
“Умумиқтисодий назария ва
иқтисодий педагогика” кафедраси
мудири, доц. Т.Т. Жўраевга
_____ гуруҳ талабаси
_____ дан

АРИЗА

Сиздан _____

_____ (Битирув- малакавий иш мавзусининг тўлиқ номи)

Мавзусидаги битирув-малакавий ишини менинг номимга тасдиқлаб
беришингизни сўрайман.

Битирув- малакавий иш _____

_____ (Таълим муассасалари, ўқув юртларининг номлари)

_____ материаллари асосида тайёрланади


_____ (сана)

_____ (тингловчи имзоси)

«Умумиқтисодий назария
ва иқтисодий педагогика»
кафедраси мудири,
доц. Т.Т. Жўраев

(имзо) _____

_____ (сана)



3-илова
Намуна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

12-ширифт

Қўлёзма ҳуқуқида
10 - ширифт

ФАМИЛИЯСИ ИСМИ НАСАБИ

12 - ширифт

Касб-ҳунар коллежларида "Бухгалтерия ҳисоби" фанини
ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш усуллари

16 - ширифт

Ихтисослик: 5140900 - Касб таълими (5340900 –Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит)

12 - ширифт

Касб таълими бакалаври академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШ

16 – ширифт

Дастлабки ҳимояда кўриб
чиқилди ва ҳимояга қўйилди.
"Умумиқтисодий назария ва
иқтисодий педагогика" кафедраси
мудири, доц. Т.Т. ЖЎРАЕВ

“ ” 2008 й.

12 – ширифт

Илмий
раҳбар _____ доц.,
и.ф.н. Ҳ.Ҳакимов

Тошкент – 2008

Т.Т. Жўраев, Ҳ.А. Ҳакимов, Д.Ш. Бабабекова

**5140900 – Касб таълими (5340900 – Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим
йўналиши бўйича Битирув-малакавий ишини
ёзиш, расмийлаштириш ва ҳимоя қилишига
тайёрлаш юзасидан услубий кўрсатмалар**

Муҳаррир Ҳ.Тешабоев
Саҳифаловчи Д.Тошхўжаева

Босишга рухсат этилди 15.04.2008. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
Ҳисоб-нашр табоғи 2. Адади 300. Буюртма №81

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти
100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида
чоп этилди.

100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй